



“ТАРАҚЎИЁТ СТРАТЕГИЯСИ”
МАРКАЗИ



Пресс-Релиз

2019 йил 4 декабрь куни “Тараққийёт стратегияси” маркази ташаббуси билан, 2017-2021-йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида “Олий ўқув юртларида нотижорат ҳуқуқ курсини ўқитиш амалиёти” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

“Тараққийёт стратегияси” маркази ҳамда Нотижорат ҳуқуқ Халқаро маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ташкилотчилар билан бир қаторда, Тошкент давлат Юридик университети ҳамда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази масъул ходимлари, экспертлар ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Фуқароларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий, иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун ҳар қачонгидан яхшироқ шароит яратилмоқда. Натижада, ННТлар жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашиш билан бирга, давлат ва жамият бошқарувида муносиб иштирок этмоқда. Буни “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини кўллаб-қувватлаш жамоат бирлашмаси шаклидаги “Нуроний” жамғармаси, “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси ва шу каби минглаб ташкилотлар мисолида кўриш мумкин.

Давра суҳбатида сўз олганлар томонидан сўнгги йилларда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида муҳим ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган. Пировардида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаролик жамияти институтлари фаоллиги сезиларли равишда ошиб бормоқда.

Демак, бу соҳадаги энг муҳим вазифа фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларни ривожлантиришга йўналтириш учун замон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар тайёрлашдир. Давра суҳбати айни масала бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил этилди.

Иштирокчилар томонидан Олий ўқув юртларида нотижорат ҳуқуқ курсини ўқитиш бўйича хорижий тажриба хусусида батафсил ахборот берилди.

Таъкидландики, шу кунга қадар Марказий Осиё минтақасининг Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Республикаларида нотижорат ҳуқуқ Олий Ўқув юртлари ўқув дастурига киритилган.

Хусусан, Тожикистон Республикасидаги Рус-Тоҷик(славян) университетида 2007-2015 йилларда, Тожикистон Иқтисодиёт институтида 2010-2012 йилларда ҳамда 2015 йилдан айна пайтга қадар Тоҷик миллий Университетида ташкил этилган.

Қирғизистон Олий ўқув юртларида эса, нотижорат ҳуқуқ фан сифатида танлаш имконияти мавжуд йўналиш сифатида таклиф этилади. Эслатиб ўтамик, мазкур давлатда олий таълим муассасаларида фанларнинг 75 фоизи талаб асосида, 25 фоизи эса, танлов асосида ўқитилади.

Айни пайда, Қирғиз давлат университети, Қирғиз-Рус(славян) университети, Қирғиз давлат юридик академияси, Марказий Осиёдаги Америка университети ҳамда ҚР Президенти ҳузуридаги Бошқарув академияларида нотижорат ҳуқуқ алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда.

Қозоғистон Республикасида эса, 2004-2005 йилларда Д.А.Кунаев номидаги Юридик университет ҳамда Олмаотадаги “Турон” юридик университетида “нотижорат ҳуқуқ” курслари ташкил этилган. Шунингдек, 2015-2017 йилларда Олмаота Менежмент университетида ҳам ушбу мавзу ўқитилган.

Семинарда санаб ўтилган лойиҳаларни ташкил этишнинг амалий жиҳатлари ва натижалари хусусида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, Ўзбекистондаги юридик соҳада кадрлар тайёрлаш тизимида мазкур йўналишдаги таълим ҳолати бўйича ҳам фикр алмашилди. Таъкидландики, юртимизда мазкур мавзу интеграциялашган ҳолда ўқитилади ва талабалар ўқиш даври давомида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари борасидаги билимларини ошириш имкониятига эгалар.

Иштирокчилар айна пайтда мазкур йўналишда алоҳида курс очишнинг зарурати ва амалий натижалари хусусида фикр алмашилди. Экспертлар томонидан бу борада қатор таклифлар ўртага ташланди. Эндиликда, марказ мутахассислари томонидан мазкур таклифлар умумлаштирилади ва батафсил ўрганиб, зарур тавсиялар шакллантирилади.

“Тараққиёт стратегияси” маркази Ахборот хизмати